

ЎЗБЕКЎСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Ё.Абдуллаев

СТАТИСТИКА НАЗАРИЯСИ

Иқтисодчи кадрлар тайёрловчи олий
ўқув юртлари талабалари учун дарслик

*Ўзбекистон Республикаси ўқув юртлараро илмий-услубий
бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи
Кенгаш томонидан тавсия этилган*

(Учинчи нашри)

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 2002

Тақризчилар: ТДИУнинг „Статистика“ кафедраси,
Э.Акрамов, и.ф.д., проф. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби

Бугунги кунда „Таълим тўғрисида“ги қонун, „Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“ асосида олий таълим соҳасида жиддий ислохотлар ўтказилмоқда. Жумладан, ўқув жараёнига янги педагогик технология жорий этилмоқда, айниқса, талабаларни мустақил иш олиб боришга, мустақил фикрлашга ўргатиш бош масалага айланмоқда.

Бу жараён бошқа ўқув фанлари қатори „Статистика назарияси“ фанини ўқитиш, бинобарин унинг таркибий тузилмасини тубдан янгиллаштириш тақозо этмоқда. Шуларни назарда тутиб, мазкур фан бўйича ушбу дарсликнинг учинчи нашри тайёрланди.

Дарслик олий ва ўрта махсус таълим тизимида иқтисодчи мутахассислар, статистиклар, менежерлар, молчи ва банкирлар тайёрловчи ўқув юрталари ва факультетларида ўқув машғулоти, илмий семинар ва суҳбатлар, тренинглари уюштириш учун мўлжалланган.

Reviewers: Tashkent State Economy University, Statistics department.

Е. Акрамов, assistant professor of Economic Sciences, honoured scientist of the Republic of Uzbekistan.

Nowadays the important reforms are taken place in the fields of High Educational system on the basis of the law 'About Education' and the Programme called 'The National Programme of Training specialists'. For instance, the advanced teaching technology is introduced to the teaching process, specially, to make students to see, to think self-sufficiently. These are the main purpose of the reforms.

This process, like other subjects, receives to teach 'Statistics theory', what's more, to renovate it inside structure. Looking into the consideration of the above matters the third edition of the text-book on this subject has been prepared. The text-book is directed to arrange meetings, teaching hours, scientific seminars and discussions, trainings in the universities and faculties which prepare economists, statisticians, managers, bankers on the High and Average specialized educational system.

А 0702000000-87 Буюрт.вар.-2002
353(04)-2002

ISBN 5-645-03880-0

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 1993
© „Меҳнат“ нашриёти, 2000
© „Ўқитувчи“ нашриёти, 2002

Назария миқдоран ўлчашдан бошланади.

(Лорд Кельвин, инглиз олими)

СЎЗБОШИ

Истиқлол туфайли янги даврга қадам қўйдик. Бу давр ҳар бир кишидан ўзи каби янгича фикрлашни, янгича иш юритишни талаб этади. Энг муҳим масала бўлган миллий ўзликни англаш жараёни ҳам айнан мана шу даврда юзага келди. Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича саъй ҳаракатлари бошланиб кетди. Жумладан, „Таълим тўғрисида“ги қонун ва „Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур“ нинг қабул қилиниши айни муддао бўлди.

Бу ҳужжатлар асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан „Олий касбий таълимнинг Давлат стандарти“ ишлаб чиқилди. Унга биноан бакалавр ва магистрлар тайёрлаш малакасига нисбатан қўйиладиган энг кам мажбурий талаблар ва касбий тавсифномалар тайёрланди. Шуларни инобатга олган ҳолда дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳам таркибий, ҳам замонавийлиги жиҳатдан қайта кўриб чиқилмоқда.

Гарчи миллий дастур талабларига биноан олий ва ўрта махсус билим юртлари ўқувчилари учун янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари яратилаётган бўлса-да, аммо бугунги кунда уларни яратиш масаласи долзарблигича қоляпти. Шу тўғрида Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 9- сессиясида сўзлаган нутқида (28.08.97) қуйидагиларни айтди:

„Ҳаммамизга аёнки, таълим дарслиқдан бошланади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишга мажбурмиз: деярли барча соҳада дарсликларимиз аҳволи бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас.

Эски қолипда, мустабид даврида ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан холи бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаймиз... Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс эттирилиши керак... (6, 330- бет)¹.

Бу масала ижтимоий-гуманитар, шунингдек, умумиқтисодий фанлар мутасаддилари зиммасига жуда катта вазифаларни юклади. Миллат тафаккури ва мафкурасини дарслик мавзуларига боғлаб, уйғунлаштириб ўрганиш заруриятини сезган мазкур дарсликнинг

¹ Барча иқтибослар биринчи (мазкур) мавзу сўнггида келтирилган адабиётларнинг тартиб рақамига мос равишда берилган.

муаллифи Қуръони Карим ва ҳадислар, буюк алломаларимиз фикрлари ва ҳикматларни дарслик мавзулари билан жуда моҳирона боғлашга ҳаракат қилган.

Ислом оламида Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам томонидан айтилган ҳадислар одамларни ахлоқан пок ва руҳан мустаҳкам қилиб тарбиялашда ғоят катта аҳамиятга эга бўлганлиги шубҳасиздир. Шу сабабли ҳадислар Қуръони Карим каби эъзозланган, дарслик сифатида ўқитилган, оятлар каби ёдлатилган. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламдан: „Кимки менинг ҳадисларимдан қирқтасини ёд билса, қиёмат кунини менинг шафоатим остида бўлади“, деган ҳадис етиб келган.

Ҳа, ҳадислар, ҳикматли сўзлар, мақоллар биз учун асрларнинг садоси, узоқ ўтмиш билан ҳамнафаслик ҳиссини уйғотувчи мангу чақирик, замонлараро кўприқдир. Уларда таълим-тарбия масалалари оддий инсоний муносабатлар тизимида берилиб, улар инсон руҳияти, маънавиятига ўта яқинлиги билан ажралиб туради. Аммо уларнинг ёшларни камол топтиришдаги жуда кенг имкониятлари ҳанузгача ўрганилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Қуръони Карим ва ҳадисларни ўрганиш ва улардан дарс жараёнида фойдаланишга ҳар қандай ўқитувчининг ҳам имконияти етавермайди. Назаримда, ушбу муқаддас китобларни ўрганишни осонлаштириш учун ўқитувчи матндан келиб чиқиб, турли саволлар тузиб, уларга босқичма-босқич жавоблар топиб борса, талабанинг мавзунини тез ва теран англашига кўмаклашган бўлар эди.

Масалан, дарсда ўқитувчи ўқувчиларга илмнинг хосияти ҳақида сўзламоқчи бўлса, Қуръони Карим ва ҳадисларда айтилган „Бешиқдан қабргача илм ол“, „Чин Мочинга бориб бўлса ҳам илм ол“ каби фикрлардан фойдаланилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Бир сўз билан айтганда, таълим ва тарбиянинг янги усулларини қўллашда ноанъанавийлик билан ижодкорона ёндошилса, ҳар иккала томонни ўқув жараёнида ёнма-ён олиб борилса, ўқувчи онгига ўзбекона урф-одатларни, миллий удумларга бўлган ҳурматни шакллантириб борилса, айни муддао бўлур эди. Ана шундай хайрли ишни муаллиф адо этишга киришган ва бир қадар уни амалга оширишга эришган.

Давлат тилида чоп этилган ушбу дарсликнинг олдинги нашрлари 1993 йилдан буён республикамизнинг иқтисодчилар тайёрлайдиган барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, коллеж ва лицейларида ягона дарслик вазифасини бажариб келмоқда. Ушбу учинчи нашр Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган намунавий дастур асосида ёзилган бўлиб, олдинги нашрлардан фарқли ўлароқ, ушбу нашр уч қисмга бўлинган. Биринчи қисмнинг ҳар бир боби таянч иборалар, тест топшириқлари, рақамларда ўз ифодасини топган ҳадису-ҳикматлар, бошқотирма

саволлар, жумбоқлар, ўз-ўзини текшириш учун саволлар, адабиётлар рўйхати билан тўлдирилган.

II қисмда якуний назорат ва амалий машғулотлар ўтказиш учун тест топшириқлари, масалалар шартлари ва иловалар келтирилган. Дарсликнинг III қисмида эса кўпчиликка маълум бўлмаган **статистик маълумотлар** илова қилинган. Унда тўққизтадан иборат бўлимларда мамлакатимиз ва вилоятларда мустақиллик йилларида эришилган иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, жаҳоннинг 195 давлати бўйича аҳоли сони, майдони, қуроли кучлари, ўртача умр узунлиги, бандлик, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот (долларда), ЯММнинг йиллик ўсиш даражаси, савдо баланси (долларда), темир йўл узунлиги каби синтетик кўрсаткичлар келтирилган. Бу маълумотлар қиёсий таҳлил учун ўта муҳим. Президентимиз таъкидлаганларидек:

„Ҳақиқатни англаш учун дунёда битта синалган услуб бор. Солиштириш керак, қиёслаш керак. Кеча ким эдик, айтайлик нима масалада бизлар азоб-уқубат чекканмиз ва бугунги ҳаётимизнинг, эртанги режаларимизнинг шундан қандай фарқи бор? Бизлар қандай қадам қўяпмиз, тўғри йўлданми, йўқми, деган саволга жавоб бераётганда фақат қиёслаш керак. Қуруқ ташвиқот керак эмас“ (7, 44-бет).

Айнан юқоридаги кўрсаткичларга асосланиб, турли мамлакатларни қиёслаш, уларни фарқлантириш мумкин.

Мазкур китоб талабалар учун нафақат статистика назарияси сир-синоатларини ўрганиш бўйича дарслик, шунингдек, у барча ўқувчилар учун теран маънавий озиқ, ноёб фалсафий, маърифий, диний маълумотнома сифатида ҳам дастуриламал вазифасини ўташи шубҳасиз.

Мухтасар қилиб айтганда, проф. Ё.Абдуллаев томонидан ёзилган ушбу дарслик таълим ва тарбиявий масалаларни уйғунлаштиришга қўйилган дастлабки қадамдир ва бундай услубни қўллаб-қувватлаш керак. Бугунги ўқувчи онгига маънавий қадриятларимиз, миллий истиқдол ғояси сингдирилиб борилса, у ўзи истаган орзуларга етишиш учун баркамоллик сари интилади. Бундан, аввало, оила, давлат, Ватан манфаат кўради.

Шунинг учун ҳам ёшлар тарбияси борасида ҳар бир шахс, хусусан, дарслик муаллифлари ҳам ғоятда масъулдирлар. Чунки муаллиф ўз билими орқали таълим-тарбия жараёнининг билвосита иштирокчисига айланади.

Академик М.ШАРИФХЎЖАЕВ